

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 231 (11.542)

Баҳоси эркин нарҳда

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибиди тасдиқладилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаевнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил тўққиз ойдаги ижроси яқунлари тўғрисидаги маърузасини эшитдилар. Ушбу масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимиз бош молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўриб чиқиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, ҳисобот даврида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши давом этди, бюджет-солиқ сиёсати ҳужжали юритувчи субъектларга солиқ юки камайtirилгани ҳолда бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мутаносиблигини таъминлашга қаратилди, иқтисодий ўсиш ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан республикамиз Хўжаликнинг 2009 йил 13 февралдаги мажлисида белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга доир чора-тадбирлар дастурининг жорий йилнинг тўққиз ойи давомида амалга оширилиши иқтисодий ривожлантиришнинг барқарор ва мутаносиб суръатларини сақлаб қолишга кўмаклашди ҳамда 2009 йилнинг асосий прогноз кўрсаткичлари бажарилиши учун муштақам пойдевор яратди. Давлат бюджетининг ялли ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилганлиги, шунингдек, пул ва истеъмол бозорининг мутаносиблиги инфляция даражасини энг паст даражада (4,2 фоиз), прогноз кўрсаткичларидан ошмайдиган миқдорда сақлаб қолишга кўмаклашди. Маҳаллий экспортёрларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ташқи савдо балансининг 2,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги ихтиёрий салдосини таъминлади. Жорий йилнинг тўққиз ойи ичида 743,5 мингта, яъни 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоиз кўп янги иш ўринлари яратилди.

Муҳокама пайтида депутатлар бюджетнинг шакллантирилишига ва жойларда, минтақаларда ижро этилишига катта эътибор қаратилиши зарурлиги ҳақида фикр билдирдилар. Давлат бюджетининг газначилик ижросини жорий этиш билан боғлиқ вазиятларни таҳлил қилишга, қонунларнинг жойларда ижро этилишига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ харакатга келтирилган механизмларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Муҳокама пайтида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил тўққиз ойдаги ижроси яқунларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Фуқаролар солиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10 ва 11-моддаларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси О.Раazzoқов маъруза қилди. Тақлиф этилаётган тузатишлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш мақсадида киритилди. Қонун лойиҳаси жисмоний шахслар томонидан хусусий тиббий фаолият билан шуғулланиш тартиби такомиллаштирилишини назарда тутиди.

Саволларга жавоблар берилгандан кейин мазкур ҳужжат батафсил модда-

ма-модда муҳокама этилиб, унинг жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар мамлакатимизнинг мустақиллиги йилларида Ўзбекистон Республикаси солиқни сақлаш тизимида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиши таъминлашга, фуқароларнинг соғлиғини сақлашга қаратилган ислохотлар изчил ўтказилаётганлигини таъкидладилар. Киритилаётган ўзгаришлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати кафолатларини оширишга қаратилгандир. Қонун лойиҳасининг айрим моддаларини янада такомиллаштириш мақсадида киритилган тақлифларни инобатга олган ҳолда депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини, шунингдек, «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов тақдим этди. Ушбу қонун лойиҳалари мамлакатимизда суд-экспертиза фаолиятининг асосларини белгиловчи ягона норматив ҳужжати яратиш зарурлиги муносабати билан ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш лойиҳада таъкидландики, замонвий шароитларда жиноятларнинг тезкор очилиши ва ҳолисона текширилишини, шунингдек, ишларнинг судда қўриб чиқилишини ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар ва судлар фаолиятида фан ва техниканинг энг янги ютуқларига асосланган суд-экспертиза имкониятларидан кенг фойдаланмасдан тасаввур этиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқчи муҳофаза қилиш амалиёти, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳуқуқ тизими ана шу муҳим элементининг аҳамияти ошиб бораётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларини «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш мақсадида уларнинг айрим моддаларига тузатишлар киритиш назарда тутилган. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг сўзга чиққан аъзолари қонун лойиҳаларининг айрим нормаларини такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар киритдилар. Қонунчилик палатаси батафсил муҳокамадан сўнг қонунларни қабул қилди. Қонунлар маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини депутатларга Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов тақдим этди. Қонун лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида 2010 йилга мўлжалланган солиқ сивбатининг асосий йўналишларидан келиб чиқадиган нормалар, шунингдек, вазириллар ва идоралар, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жамоат бирлашмаларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, кодексдаги зиддиятларни бартараф этиш, унинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида айрим нормаларни аниқлаштириш бўйича тақлифлари акс этирилган.

(Давоми 2-бетда).

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200  
2009  
ТОШКЕНТ



СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар

Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган суратлар

### ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК – САЙЛОВНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида «Ошқоралик ва очиқлик – сайлов кампаниясининг асосий тамойиллари» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.



Семинарда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ҳузуридаги матбуот гуруҳлари раҳбарлари, Ўзбекистон Миллий телерадиоконпанияси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, сиёсий партиялар матбуот хизматлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят туман ва шаҳар Кенгаши сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнида очиқлик ва ошқоралик ҳамда транспарентлиқни таъминлаш, сайлов жараёнида оммавий ахборот воситаларининг роли масалалари семинарнинг асосий мавзуси бўлди.

Семинар матбуот гуруҳлари раҳбарларининг миллий сайлов қонунчилиги борасидаги билимининг янада ошириш, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнида зарур шароитларни яратишда оммавий ахборот воситалари, аввало, матбуот гуруҳлари ходимларининг иштироки масалаларини муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинарнинг очар экан, мамлакатимиз парламентида ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов миллий сайлов қонунчилигимиз, унда белгиланган очиқлик ва ошқоралик тамойилларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича концепцияга қатъий амал қилинган ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъкидлади.

Тадбир иштирокчиларига мазкур Концепция асосида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда).

• Республика Маънавият тарғибот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишлаб «Байроғимиз—фахримиз, гуруримиз» мавзусида тадбир ўтказилди.

• «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи яқунланди. Унда шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган иштирокчилар ўз маҳоратини намойиш этди.

• Самарқанд шаҳридаги ахборот-кутубхона марказида «Китоб байрами» кўргазма-ярмаркаси иш бошлади. Кўргазма-ярмаркада «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Шарқ», «Маънавият» нашриётларида чоп этилган дарсликлар, ўқув ва бадиий адабиётлар, плакатлар, фотоальбомлар намойиш этилмоқда.

• Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Япония ҳукуматининг «Ривожланишга расмий ёрдам» дастури доирасида Кунчиқар мамлакатининг Ўзбекистон билан ҳамкорлигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон ва Япониянинг иқтисодиёт, қишлоқ ва сув хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва транспорт коммуникациялари каби соҳаларда ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳалари ва эришилган ютуқлар ҳақида сўз борди.

• Кеча Тошкент вилояти ҳокимлигида қишлоқ ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг вазифаларига бағишланган семинар ўтказилди.

• Андижонда инсон саломатлиги учун зарур бўлган экологик табиий тоза асал маҳсулотини кўргазма-савдо ярмаркаси очилди. Андижон вилоят ҳокимлиги кўмаги ҳамда Асаларчилик ассоциацияси ташаббуси билан уюштирилган мазкур кўргазмада вилоятда фаолият юритаётган 47 та асаларчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари иштирок этмоқда.

### ЖАҲОНДА

• Швейцария Словениядан Европа Вазирлар Кенгашига раисликни қабул қилиб олди.

• Брюсселда ўтказилаётган тезкор анжуманда Европа Иттифоқига аъзо 27 та мамлакат раҳбарлари бугун илк бор ЕИ президенти ва Европа Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарини сайлашди.

• Руминия Президенти Траян Бэеско Молдавия фуқароларига мамлакат фуқаролигини беришни соддалаштириш тўғрисидаги янги қонунни имзолади. Эндиликда Руминия фуқаролигини олишни истаган киши румин тилини билиши борасида мажбурий суҳбатдан ўтади. Бу эса русийзабон молдаванларга ҳам румин паспорти олиш имконини беради.

• Кеча АҚШнинг «Атлантик» шаттли коинотда Халқаро космик станцияга муваффақиятли тарзда туташди.

• Кеча жаҳоннинг етакчи хом ашё биржаларида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида нефть нархининг кўтарилганлиги кузатилди. Жумладан, Лондон биржасида бир баррел нефтнинг нархи 79,47 доллар миқдорда белгиланган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 79,58 доллардан иборат бўлди.

• Ўткир респиратор юқумли касалликлар, оддий мавсумий грипп ҳамда А/Н1Н1 вируси кенг тарқалаётгани боис Россия ҳудудидаги барча мактабларда «эрталабки текширув» тартиби жорий этилди. Унга кўра, ҳар кун эрталаб ўқувчиларни тиббиёт ходимлари ва ўқитувчилар текширувдан ўтказадилар. Фақат соғлом ўқувчиларгина мактабга киритилади.

• Украинада 7-«Евровидение –2009» болалар кўшиқ танлови очилди. Қитъанин энг йирик болалар кўшиқ форумида бу сафар Швеция, Руминия, Нидерландия, Бельгия, Россия, Арманистон, Сербия, Грузия, Кипр, Мальта, Македония ва Белоруссиядан вакиллар иштирок этмоқда. Танловнинг финали 21 ноябрда бўлиб ўтади.

• Миср ва АҚШ мутахассислари машҳур фиръавн Тутанхамоннинг даҳмасини таъмирлашга киришдилар. Таъмирлаш ишларида маҳаллий мутахассисларга Лос-Анжелесда жойлашган «Гетти консервэйшн» институти ходимлари кўмаклашади.

### ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 89-мактабда Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Байроғимиз — фахримиз» деб номланди.

✓ **ТОШКЕНТ** маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида «ОИТСга барҳам берайлик» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бичиш-тиқиш мактаби ташаббуси билан қатнашчилар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Ораста қизлар» деб номланди.

✓ **КЕЧА** Учтепа туманидаги Абдулла Қаҳҳор номи маданият уйида Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан бадиий ҳаваскорлик жамоалари хонандалари ўртасида уюштирилган «Нафосат бўстони» кўшиқлар кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи голиблари тақдирланди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодийнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин», деб мустаҳкамлаб қўйилган.

кидланишича «2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари — резидентларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилган. Бунда яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкалари қуйидаги тартибда хусусийлаштирилади: ушбу Фармон чиққан пайтда амалда эгалаб турилган ва ўрнатилган тартибда берилган кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорда доимий фойдаланиш

учун гаров бўлиб хизмат қилиш мумкин», деб белгилаб қўйилган.

Ўз мулкдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги мулк эгасига берилган энг муҳим ҳуқуқлардан иборат. Фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан юридик шахс ташкил қилиб ёки ташкил қилмасдан туриб шугулланиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам у ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган мулк ҳисобидан жавоб беради.

Хусусий мулк субъекти бўлган фуқаро ёки юридик шахс ўзларига тегишли мол-мулкдан ҳисса сифатида тижоратчи бўлмаган ташкилотлар (жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа фондлар) нинг мол-мулкига ўтказишлари мумкин. Бундай ҳисса ўтказилган пайтдан бошлаб, у тижоратчи бўлмаган ташкилотнинг мулк ҳисобланади. Бундай ташкилот ўзининг асосий фаолиятини амалга ошириш мақсадида мулкдан тадбиркорлик билан шугулланиш учун фойдаланиши мумкин. Шу билан у тижоратчи ташкилотдан фарқ қилади. Шундай экан, бундай жамоат бирлашмаларининг муассислари (иштирокчилари, аъзолари) фақат бирлашманинг фаолияти даврида эмас, балки у туғилгандан кейин ҳам ўндан қолган мол-мулкка нисбатан эгаллик қила олмайдилар. Бундай ташкилотларнинг мол-мулк кредиторлар олдига қарзларидан қутулгандан кейин уларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланилади.

**Абдувоҳид ВАҲОБОВ,**  
**юридик фанлари номзоди, доцент,**  
**Мудассир САЙДАЗИМОВ,**  
**юридик фанлари номзоди, доцент.**

МУЛККА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ

асосан «Белгиланган тартибдан ажратиб берилган ер участкасида қурилаётган янги уй-лантириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш мақсадида: қуйидаги тартиб ўрнатилган, жумладан 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари — резидентлар мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли ёки улар томонидан хусусийлаштирилган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек, мазкур объектларга туташ ер участкаларини қўлланмадан технология жараёнлари, шахар қурилиши норма ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда хусусийлаштириш ҳуқуқи эга бўладилар.

Ўқорида назарда тутилган ер участкаларини хусусийлаштириш бозор қийматидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкка эгаллик ҳуқуқини расмийлаштирилган ҳолда ихтиёрийлик асосида амалга оширилади». Шунингдек, Фармонда таъ-

ёки умрбод мерос қилиб қолдирилган эгаллик ҳуқуқи билан участкаларга эга бўлган фуқаролар томонидан ихтиёрийлик асосида; ер участкаларини яқка тартибда уй-жой қурилишига қим ошди асосида қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда сотиш чоғида, кейинчалик мулкка эгаллик ҳуқуқини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш; томонлар кўчмас мулкни беғоналаштириётган ёки сотиб олаётган (қабул қилаётган) шахснинг аҳдлашуви бўйича яқка тартибдаги уй-жойини сотиш ёки ҳада этиш (яқин қариндошлар бундан мустасно) чоғида мажбурий тартибда амалга оширилади;

хусусийлаштирилган ер участкаси оборотда, жумладан харид қилиш-сотиш, айирбошлаш, ҳада қилиш, мерос, фойдаланиш (ижарага бериш) бўйича битимлар тузишда чекланмаган, гаров шу жумладан банклар ва бошқа кредит муассасаларидан кредит олиш

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгаллик қилиш, ўндан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Фуқаролар, ҳўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар. Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин. Хусусий мулк киши кишининг қулидан фойдаланишга (эксплуатацияга) қаратилган манба ҳисобланган тушунчадан озод бўлди. Энди унга шахснинг нафақат моддий мустақиллиги, шунингдек маънавий эркинлигининг манбаи сифатида баҳо берилди. Дунё қарашдаги бундай туб ўзгариш Фуқаролик Кодексининг деярли барча қоидаларида ўз аксини топди. Бу биринчи галда хусусий мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслигида ўз ифодасини топди. Уй-жой (квартира) га хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиш тартиби ҳам Фуқаролик Кодексининг 210-моддасига

ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳозирда дунёда глобаллашув жараёнлари кечаётган бир даврда мамлакатимиз аҳолиси, айниқса ёшларни она Ватанга муҳаббат, Истиқлолга садоқат руҳида тарбиялаш, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, янгиланиш жараёнлари ва бунёдкорлик ишларидан уларни тўла хабардор қилиш, жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва барикенгликни кенг тарғиб қилиш ҳамда соғлом турмуш тарзини сингдириш масалалари гоят муҳим ва долзарб вазифага айланган.

Ватан равнақи, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш борасида маънавий-ғоявий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш борасида Сергели туманида ҳам бир қатор салмоқли ишлар олиб борилаётган. Жумладан, кунги кеча Конституциянинг 17 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 18 йиллиги муносабати билан тумандаги 3-ўрта умумтаълим мактабида «Ватан — саждағоҳи каби муқаддасдир» мавзусида маънавий-тарбиявий аҳамиятга молик бўлган очик мулоқот бўлиб ўтди.

Бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган мазкур очик мулоқотда Сергели туманидаги Ал-Фарғоний, «Йўлдош», «Ёрқин ҳаёт», «Мустақиллик» ҳамда «Дўстлик» маҳаллалари ёшларига мурожаат қилиб муҳофафа қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман Кенгаши раиси Санобархон Маматова давлатимиз байроғининг қабул қилиниши зарурати ва мамлакатимиз ушбу рамзининг мазмун-моҳияти, байроғимизнинг Республикаимиз миллий-маданий аъналарини ўзиде акс эттирганлиги хусусида батафсил маълумот берди.

Шунингдек, мактаб ўқувчилари ва маҳаллалардан ташриф буюрган ёшларга Ўзбекистон Конституцияси ҳақида, унинг аҳамияти хусусидаги маълумотларни бериш билан биргаликда «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раҳбари Баҳодир Қурбонов ҳамда туман бosh-омхатиби Мухаммадхон Аҳмедовлар ислом динининг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва аъналарини аждодлардан авлодларга етказишдаги бекиёс ўрни ва аҳамияти хусусида тўхталиб ўтдилар.

самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорларининг мазмун-моҳиятини тушунтирар эканлар, аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбиялиниши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ишлар, шунингдек, тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан оилада ва жамиятда репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол ёш авлодни воёга етказиш каби устувор вазифаларга ёшларнинг эътиборини қаратиб улар томонидан берилган бир қатор саволларга жавоблар қайтардилар.

Очик мулоқотдан туман ёшлари чуқур қониқши ҳосил қилиб, мавзу юзасидан ўз билимларини бойитишга муваффақ бўлдилар.

(Ўз муҳбиримиз)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда). Қонун лойиҳасида Солиқ кодексига 150 тадан зиёд ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга, солиқ мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганини учун жавобгарлигини кучайтиришга, шунингдек, солиқ солиш объектларини белгилашда бир хил тақдир қилишга қаратилган. Қонун лойиҳасида, шунингдек, Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилинишини таъминлашга қаратилган бошқа ўзгариш ва қўшимчалар ҳам назарда тутилган. «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритиш таклиф этилаётган ўзгаришлардан келиб чиқади.

(Давоми. Боши 1-бетда). Таъкидландики, марказда ва жойларда сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш борасидаги ишларни очик ва ошкора амалга ошириши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида ташкил этиш борасидаги вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари хузуридаги матбуот гуруҳлари зиммасига ҳам қатта масъулият юкланган. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан матбуот гуруҳлари ходимлари, журналистларнинг профессионал тайёргарлиги, сайлов қончилигини чуқур билиши билан боғлиқ. Семинарда матбуот гуруҳларининг асосий вазифаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов жараёнини ҳолис ва тезкор ёритиб борилишини таъминлашдан иборат экани алоҳида қайд этилди. Таъкидландики, улар ўз фаолиятида сайловдаги ташвиқоти дарида сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда

ОЧИҚЛИК ВА ОШҚОРАЛИК — САЙЛОВНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛЛАРИ

тенг ҳуқуқ берилиши, сайлов жараёнларини қонун талабларига қатъий мувофиқ ҳолда ёритиб борилиши билан боғлиқ муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Семинар иштирокчилари Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида журналистлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Марказий конференц-зали ва хоналари замонавий мебель, компьютер техникаси, телефон, факс ва нусха кўчириш аппаратлари билан жиҳозланган. Бу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари тегишли маълумотларни эздиқ билан олиши, шунингдек, материал тайёрлаши ва уни Интернет тармоғи орқали дунёнинг исталган нуқтасига узатиши учун зарур шарт-шароит муктаб этилган. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов жамиятини демократлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлишини таъкидладилар. Анжуманда «Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш шароитида сайлов қончилигининг такомиллашу-

ви», «Оммавий ахборот воситаларида сайловга оид қонунлар талабларини ёритишда журналистларнинг роли ва масъулияти», «Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ошқоралик ва очиклик тамойиллари», «Сайлов жараёнини ёритишда телевидение ва радионинг ўрни» каби мавзуларда маърузалар тингладилар. Семинар амалий мулоқот руҳида ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари хузуридаги матбуот гуруҳлари, шунингдек, сиёсий партиялар матбуот хизматлари раҳбарлари ва журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Семинар иштирокчилари мазкур тадбирни сайлов кампаниясини ёритишда муҳим аҳамият касб этади, деб баҳоладилар. Тадбир иштирокчилари, шунингдек, «Халқ сўзи ва Народное слово» газеталари тахририяти, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси фаолияти билан танишдилар.

Олим ТўРАҚУЛОВ,  
ЎЗА муҳбири

Қарор ва ижро

РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Одам савдоси — инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, о soiишта турмуши ҳамда келажакка таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, умумжаҳон миқёсидаги муаммо ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Авалло одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг меъёрий-ҳуқуқий негизи шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси одамларнинг нолегал траффига қарши курашишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси асосида 2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш билан бирга бу иллатдан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Хусусан, мазкур қонунда одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, вақтинчалик турар жой билан таъминлаш ва бошқа масалалар алоҳида белгиланди.

Ушбу қонунни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан Ваҳирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сонли қарори билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хузурида 30 ўринга мўлжалланган Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказининг ташкил қилиниши белгилаб қўйилди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида қисқа муддатда жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий бино қурилиши, КЕЧА унинг очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Марказ ўз фаолиятини одам савдоси жабрдийдаларининг камситилишига йўл қўймаслик, уларнинг шахсий ҳаёти ва шахсининг махфийлигига риоя қилиш, ижтимоий ва юридик қўллаб-қувватлаш ҳамда яқка тартибда парвариш қилиш тамойиллари асосида амалга оширади.

Мазкур марказда одам савдоси жабрдийдалари қулай яшаш, шахсий гигиена шарт-шароитлари, озиқ-овқат, дори воситалари билан таъминланиши билан бир қаторда, уларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, юридик ва бошқа ёрдамлар кўрсатилади, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, қариндошлари билан мулоқот ўрнатиш ва ижтимоий реабилитация қилишда қўмаклашилади.

Тадбирда Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон экологик ҳаракати конференцияси бўлиб ўтади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан ўн беш нафар депутат сайлаб олинади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон экологик ҳаракати конференциясига делегатлар сайлашга бағишланган Экоҳаракатнинг Тошкент шаҳар худудий бўлини маси конференцияси 2009 йил 21 ноябрь кунги соат 10.00да Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Ўзбекистон экологик ҳаракати Тошкент шаҳар худудий бўлими

Спорт янгиликлари

САФАРДАГИ АЖОЙИБ ҒАЛАБА

Маълумки, 2011 йилда Қатарда футбол бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.

Осиё чемпионати саралаш турнирининг учинчи гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси мuddатидан аввал кўта биринчилиги финалида йўлланмани қўлга киритди. Гап шундаки, Тошкентда малайзиялик чарм тўп усталари 3:1 ҳисобида мағлуб этган ҳамюртларимиз Куала-Лумпур шаҳрида уюштирилган жа-воб беллашувида ҳам 3:1 ҳисобида зафар қўчиди. Шуниси қувонарлики, бош мураббий Миржалол Қосимов майдонга Холмухамедов, Насимов синга-

ри умидли ёшларни туширди. Терма жамоаси дарвозасини ҳам Темур Жўраев қўриқлади. Бу ўзгаришлар ўз самарасини берди. Хужум чизиғида тўп сурган Баҳодир Насимов бир неча бор мезонлар дарвоза-бонини кучли зарбалари, хавфли ҳужумлари билан шо-шириб қўйди. Мезонлар дар-возасига тўпларни Ғофуров, Насимов, Копадзе йўллашди. Ёдингизда бўлса, жорий йил январидан Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси-га қарши сафарда тўп сурган

Миржалол Қосимов шогирдла-ри 1:0 ҳисобида мезонларни доғда қолдиришган эди. Шу боис ҳам учта ўйинда ғалаба қозонган ҳамюртларимиз гу-руҳда 9 очко жамғариб пеш-қаддам бўлиб олишди. Энди Бир-лашган Араб Амирликлари терма жамоаси билан келгуси йили март ойда Тошкентда Осиё чемпионати саралаш турнирининг навбатдаги учра-шуви ўтказилади. Ишонимиз-ки, ушбу баҳсда ҳам Қосимов шогирдларига омад кулиб бо-қади.

СЕРМАҲСУЛ ҲИЙНЛАР

Футбол бўйича мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 30-тур беллашувлари кутилмаган натижаларга бой бўлди.

Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Локомотив» жамоаси ўз майдонида Андижоннинг «Андижон» командаси билан куч синишиб, тенгма-тенг ва шиддатли кечган баҳсда 2:2 ҳисобидаги дуранг натижага эришди. Дарвозаларга тўпларни «Локомотив»дан Аъзамов, Маҳаррадзе, «Андижон»-дан Мунимдишвили, Жўрабековлар киритишди. Бухорода мамлакатимизнинг етакчи жамоала-ридан бири «Пахтакор»ни қабул қилган «Бухоро» жамоаси ҳам ўзидан тажриба ва маҳорат бобида устунлик қилган меҳмонларга муносиб қаршилиқ кўрсатди. Шу кун мухлислар икки голнинг гу-воҳи бўлишди. Тезкор, ҳужумкор ва муросабиз курашлар остида кечган беллашув 1:1 ҳисобида якунланди. Қизиги, дастлаб мезонлар футбол-боси Нейматов тошкентликлар дарвозасини аниқ нишонга ола билган бўлса, меҳмонларнинг қарши ҳужумини қайтариш чоғида бухоролик чарм тўп устаси Мусаев хатоликка йўл қўйди. 90-дақиқада меҳмонлар қарши ҳужум уюштиришди. Мусаев оёғига теккан тўп бухороликлар дарвозасига бо-риб тушди.

Мамлакат чемпионлигини мuddатидан аввал қўлга киритган Сколари бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» ўз майдонида Самарқанднинг «Дина-мо» жамоасини қабул қилиб, сермазмун ўйин на-моиши этган ҳолда меҳмонларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Хужумчи Солиев шу кунги меҳмонлар дарвозабонини икки марта доғда қол-дирди.

(Ўз мухбиримиз)

Яқинингиз, кўп йиллик қадрдонингиз, бундан 10-12, балки 30 йил олдин бир синфда ўқиган дўст ёки дугонангизни беҳос кўриб қолдингиз. Қай аҳволга тушасиз? Агарда ушбу дийдорлашув онлари бутун мактаб миқёсида ўтказилиши кутилаётган бўлсачи? Яқинда имконият туғилиб, ушбу жараёнга гувоҳ бўлдик.

Тадбирлар

ДИЙДОР ШИРИН

Учтепа туманидаги «Беко-бод» маҳалласида жойлашган 109-мактаб қаршисида тўхта-дик. Самимий чечралар, бе-губор кўзлар ва яна хурсанд-чилик хитоблари. Ташқаридан қараганда, катталарнинг бола-ларга қувончи кўнглига хуш ёқди. Биз ҳам тақлиф муно-сабати билан даврага қўшил-дик. Устозлар, ўқувчилар, ма-ҳалла фаоллари ҳамма ҳам-манинг ушбу даргоҳда тўпла-ниши мактабнинг 30 йиллиги тантаналарига ўзгача сукуҳ бағишладди.

сухбати Саломат Иминова бошчилигида «Биз қувноқ болаларимиз» мусиқа тўғара-ги қизларнинг чиқишлари билан янада қизгин тус олди. Болалик, устозлар ҳақида жўшқин шеърлар ўқилди.

Сиздан хай-хай, биздан эса тўплон, Хатоларсиз ҳаётнинг давом эттиши гумон...

Мисралар даврага кулгу оралатибгина қолмай, ҳамма-ни ҳаёт ҳақида теран мушо-ҳадага чорлади. Сухбат тад-бирларга уланиб кетди. Қадр-донларнинг қалб сўзларига бир кулоқ тутинг-а.

Клара Исмоилова: «Ушбу мактабга қадам қўйганимга 30 йилдан ошибди. Бир клас-рик қоққунча умр ҳам, вақт ҳам, унга эргашиб болалик ҳам ўтиб кетибди... Ҳамон эсимда, физика ўқитувчим Михаил Шакирович фанга бўлган қизиқишимни икки ҳисса ошириб юборган. Шун-данми, 109-мактаб ўз ўйин-дай бўлиб қолган. Кейинча-лик қадрдон даргоҳда 23 йил ўқитувчи бўлиб ишлаган

бўлсам, фақат шукроналар айтман».

Валижон Набиев: «Инсон тарбияси билан шуғулланган-ларнинг икки дунёси обод бўлди. Жомий, Навоийлар-нинг бизга дастлаб мактаб та-наштираган, Бобур, Мирзо Улуғбекларни ҳам мактаб ор-қали танганимиз. Уларни жа-хон ўрганмоқда. Жамоамиз бирлиги, аҳил-иноклиги ушбу тадбирдан ҳам кўриниб тури-ди...»

Ушбу айём муносабати бил-лан ёзилган байрам дастур-хони ҳаммани қутиб турар, менга эса кўнглим шивирлаб қўйди: «Дўстларинг давраси-га бор!» Дарҳақиқат, болалик ширин дам. Унинг қучоғини тарк этгинг келмайди. Бир-зумга бўлса-да, ўша ур-йиқит, тўплон, ўша ёшлик пайтла-ринга қайтишни кўнмайсан киши. Бутун «Бекобод» ма-ҳалласида кун ботмайди. Ана, 30 йиллик қадрдонлар хоти-ралар оғушида эрқаланишаё-тир.

Ақмал ЖУМАУРОВОВ, ЎЗМУ журналистика факультети талабаси

АРМРЕСТЛИНГ УСТАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Чилонзор туманидаги «Чилонзор» болалар спорт мажмуасида жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган кишилар ўртасида армрестлинг бўйича Тошкент шаҳри Кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғар-маси Чилонзор туман бўлими, Ўзбекистон мил-лий паралимпия кўмитаси ҳамда «Камолот» ЕИХ туман бўлими томонидан ташкил этилган тур-нирда «Ишонч», «Ари», «Миллениум», СКИДИ-Ф, «Умид», «Меҳрибонлик», «Чара спорт» клубла-рининг вакиллари бўлиб 70 га яқин спортчи ўз куч-маҳоратини кўрсатиб, ғалаба учун кураш олиб борди.

гений Землянскийлар хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олишди. Армрест-линг спортни фахрийси Людмила Паққа эса учинчи совринли ўрин nasib этди. Барча голиб ва совриндорлар медаллар ҳамда дипломлар билан тақдирланди. «Чилонзор» спорт мажму-асига эса республика армрестлинг уюшмаси томонидан ушбу спорт тури бўйича мусобақа-лар ўтказишга мўлжалланган тренажёр топши-рилди.

Татар ва бошқирларнинг «Яшлик» дастаси ижросидаги аjoyиб миллий кўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.


ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 августдаги 253-сонли қарорига асосан сотилиши белгиланган, Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази орқали биржа савдоларига чиқарилган муниципал мулк ОБЪЕКТЛАРИ РЎЙХАТИ


БИРЖА САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИЛГАН АЙРИМ ОБЪЕКТЛАР

1. 2 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми Манзили - Шайхонтоҳур тумани, Оқте-па мавзеси, 31-уй, 1-хонадон. Объект нархи - 55 860,00 минг сўм. Техник характеристикаси: умумий май-дони - 84 кв.м., фундамент-т/б.



3. 9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми

Манзили - Миробод тумани, Сайхун (собик Норхўжаев) кўчаси, 164-уй. Объект нархи - 49 840,00 минг сўм. Техник характеристикаси: умумий майдони - 89 кв.м., фундамент-т/б, деворлари -панель.



5. 5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми

Манзили - Миробод тумани, Мунис кўчаси, 9-уй. Объект нархи - 50 960,00 минг сўм. Техник характеристикаси: умумий май-дони - 91 кв.м., фундамент-т/б, деворлари-ғишт.



2. 4 қаватли-бинонинг 1-қавати бир қисми

Манзили - Учтепа тумани, Чилонзор-15 даҳаси, 17-уй, 3-хонадон. Объект нархи - 22 400,00 минг сўм. Техник характеристикаси: умумий май-дони - 40 кв.м., фундамент-т/б, деворлари-ғишт.



4. 5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми

Манзили - Миробод тумани, Мунис кўча-си, 9-уй. Объект нархи - 50 960,00 минг сўм. Техник характеристикаси: умумий майдони - 91 кв.м., фундамент-т/б, деворлари-ғишт.



6. 4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми

Манзили - Чилонзор тумани, Чилонзор-Ц мавзеси, 13-уй. Объект нархи - 28 875,00 минг сўм. Техник характеристикаси: умумий май-дони - 55 кв.м., фундамент-т/б, деворлари-ғишт.



Биржа савдоларига қўйилган объектлар рўйхати

Table with columns: Object No, Address, Area, Price, etc. containing detailed real estate listings.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шохқўчаси, 16а-уй, 4-қават, 401, 402-хоналар. Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази телефонлари: 232-25-51, 233-20-74, факс: 232-19-51. e-mail: info@tshmbm.uz; www.tshmbm.uz